Элим деб, юртим деб, ёниб яшаш керак

# Туркистон

1925 йилдан чиқа бошлаган

ЎЗБЕКИСТОН ЁШЛАРИ «КАМОЛОТ» ЖАМҒАРМАСИ ГАЗЕТАСИ

1997 йил 16 Август Шанба.
№ 64 (14456)

## ИСТИҚЛОЛ МЕНИНГ ТАҚДИРИМДА



## «ҲУРРИЯТНИНГ ҚАДРИГА ЕТАЙЛИК !»

***Кўпинча жарроҳ деганларида сочлари оқарган, басавлат, юзларига ажин тушган, кўзойнакли кекса киши кўз ўнгимизда намоён бўлади. Лекин биз сўз юритаётган нейрохирург—шифокор Шуҳрат ТОЙЛОҚОВ эндигина 26 ёшга тўлган.***

***- Ўзингиз тўғрингизда гапириб берсангиз,*** - деймиз унга.

- Тошкент шаҳридаги 80 - ўрта мактабни олтин медалга тамомлаб, Москвадаги 1-Тиббиёт институтининг даволаш факультетига ўқишга кирдим. 1995 йили ўқишни битириб, ўша ердаги Бурденко номли нейрохирургия илмий-текшириш институтининг клиник ординатурасига - амалий ишда ўтиладиган аспирантурага ҳужжат топширдим. Шу йил ординатурани якунлаб, мазкур институт аспирантурасида нейроонкология соҳасида билим олишни давом эттирмоқчиман.

***- Газетхонларга тушунарли бўлиши учун "нейрохирургия" сўзига қисқа изоҳ киритиб ўтсангиз. Ва қолаверса бугунги кунда қандай илмий муаммо устида иш олиб боряпсиз?***

- Нейрохирургия - жарроҳликнинг асаб касалликлари билан шуғулланувчи бўлими. Ҳозирда "Нейрохирургия - бош суяк асоси" муаммоси устида изланаяпман. Илмий раҳбарим — проффесор У. Маҳмудов

***- Оилангизда шифокорлар борми?***

- Қариндош-уруғларимиздан фақат амаким нейрохирурглар. Шу соҳани танлашимда уларнинг ҳиссалари катта. Биласизми, нейрохирургия тиббиётдаги энг оғир соҳалардан бири десам муболаға бўлмас.

Мулоҳаза учун маълумот:

Шуҳрат Тойлоқов шу йил юқорида номи зикр этилган институт директори, академик А.Н.Коновалов тавсияси билан Европа Нейрохирурглар Ассоциациясига қабул қилинди. Инглиз тилини мустақил ўрганган.

- Беш йил мобайнида Европанинг турли давлатларидаги клиникаларда ўзим каби ёш ҳамкасблар билан тажриба алмашамиз, - сўзида давом этади шифокор, - дастлабки машғулотлар бошланишига ҳам оз фурсат қолди. Кузда Англиянинг Саусхемптон шаҳри шифохоналарида соҳанинг сир-асрорларини ўрганамиз.

***- Нима сабабдан бирон енгилроқ касбни эмас, айнан мана шу соҳани танладингиз?*** - сўраймиз ундан.

- Мени қизиқтириб қўйган жиҳати ҳам нейрохирургиянинг ўта мураккаблиги. У ҳали яхши ўрганилмаган. Юртимизда нейрохирургия илмининг ўзига хос муаммолари ҳам мавжуд. Лекин қувонарлиси шуки, Президентимиз мазкур соҳа равнақига жиддий эътибор беряптилар. Аслида ҳам бу илм энг замонавий техника жиҳозларини талаб қилади-да. Хорижий ҳамкорлар, устозлар ёрдамида билим ва маҳоратимни ошириб келгусида мустақил она Ватанимиз тиббиёт илми ривожига ўз улушимни қўшсам дейман. Сабаби тиббиётимизнинг жаҳон андозалари даражасига кўтариш ҳам айнан биз ёш шифокорларнинг бурчидир.

**Мулоҳаза учун бошқа маълумот:**

Шуҳрат Тойлоқов 2-Тошкент Давлат Тиббиёт институти қошидаги нейрохирургия бўлими билан доимий мулоқотда. Ўзининг таъбири билан айтганда, оддий нейрожарроҳлик операцияларини мустақил бажариб, беморларга зарур муолажа кўрсата олади. Ҳаётий шиори - доимо ҳаракатда бўлиш.

***- Мустақилликни сиз қандай тушунасиз?***

- Авваламбор биз аждодларимизнинг асрий орзусига эришдик. Ҳозир республикамиз ўз бошидан кечираётган ўзгаришлар бу тарихий жараёндир. 70 йил кечган мустабид тузумда кишиларнинг тушига ҳам кирмаган ижобий силжишлар мустақиллигимизнинг атиги 6 йилида юз берганини эътироф этиш мен учун катта бахт. Биз ёшларнинг ижобий изланишларига кенг йўл очадиган, маънавий баркамоллик сари етакловчи "Камолот", "Умид" каби жамғармалар ташкил этилганидан қўвонмай бўладими!

***- Келгусидаги режаларингиз...***

-Билим доирамни янада кенгайтирмоқчиман. Яъни бош суяк - миянинг шикастланиши, қон-томир нейрохирургияси каби мураккаб соҳаларни ҳам чуқур тадқиқ қилмоқчиман.

***- Тилакларингиз...***

- Тиббиёт соҳасини танлаган йигит - қизлар инсон саломатлиги — бебаҳо неъмат учун ҳамиша масъул ва жавобгарликларини унутмасликлари керак.

Мустақиллик байрами арафасида ватандошларимга энг эзгу тилаклар билдираман. Биз ёшлар юртнинг келажагимиз, истиқлолни авайлаш, унинг қадрига етиш ҳам бизнинг зиммамиздаги энг шарафли масъулиятдир. Ҳурриятимизнинг қадрига етайлик, дегим келади тенгдошларимга !

**Назокат УСМОНОВА**
**суҳбатлашди**

Дейл Корнеги китобида ўқигандим, инсоннинг дунёга келиши бир неча ўн миллион имкондан бири экан. Яна шунча имкониятдан келиб чиқиб ер юзида неча юзлаб катта ва кичик мамлакатлар бор бўлса-да, айнан Ўзбекистонда, тағин йилда 365 кун бўлсаям, қайси кунда денг - 1 сентябрда, оддий биринчи сентябрдамас, 1991 йилнинг 1 сентябрида туғилиш фақат бахтли инсонга насиб этса керак. Ана шу кунда туғилганларнинг рўйхатини олиш учун Собир Раҳимов тумани Фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзиш бўлими бошлиғи Нодира опа Умаровага учрашганимда у шундай деди:

- Ҳа, 1991 йилда олти минг икки юз нафардан ортиқ бола туғилганди. Ўша йили 1 сентябрда туғилганлар эса 26 нафар бўлган.



## ЛОЛАҚИЗҒАЛДОҚ

Олдимда ўша 26 бахтли инсоннинг манзили ёзилган рўйхат турибди. Қайси бириникига борсам экан деб, рўйхатни кўздан кечираман. Отабек, Зилола, Асилбек, Озода... Озода. Негадир шу исм ўзига жалб қилди. Бежиз эмас, Ватаним юз олтмиш йилдан ошиқ давом этган қарамликдан сўнг озодликка эришди. Қизчанинг ота-онаси бекорга фарзандларига Озода номини бермаган бўлсалар керак. Алимовлар истиқомат қиладиган кўчанинг аталиши ҳам юртим тақдирига боғлиқ ном - Пахта кўчаси экан. 1-ўрта мактаб орқасида жойлашган шу кўчадаги 28-уйнинг қўнғироғини босдим. Олти яшар атрофидаги, бағрига қўғирчоғини босиб олган ширин қизалоқ секин дарвоза табақасини итариб очди-да, менга ҳайрон бўлиб қараркан, сўради:

- Ассалому алайкум! Амаки, сизга ким керак?

- Воалайкум ассалом! Озодахон, қўғирчоғингнинг - исми нима, - деб сўрайман дабдурустдан. Бола-да, исмини айтдимми, демак бегонамасман.

- Асалим, ўзи ақлли қиз, - деб қўяди худди боланинг онасидек,

-Қизингни тили чиққанми?

- Албатта. Сиз нима девоссиз, у инглизчани ҳам билади. Эшитинг, - деб болани номидан ўзича гапириб кетади, - mother, father, dougter, doll. Бу ота, она, қизча, қўғирчоқ дегани. Яна санашни ҳам билади. One, two, three, four, five... Ўзи жуда кўп сўз билади. Жуда ақлли. Биласизми, бу қўғирчоқни ким манга берган, Президент бобо байрамда туғилганим учун совға қилган, - деди у пичирлаб муҳим гапни айтаётгандай, яна қўғирчоқнинг жингалак сочларини силаркан.

- Ким у, - деб шу маҳал Озоданинг орқасидан опаси

### Ҳаёт чечаклари

Зилола чиқиб сўради, чамаси синглисининг ҳаяллаб қолганидан хабар олиш учун. Хонадон соҳибасининг таклифи билан йўлакка қадам қўйдим. Шинам ховли. Кенг йўлак чоғлик айвон билан туташиб кетган. Ҳаммаёқ саранжом. Сув сепилгани учун муздеккина йўлакдаги стол атрофига ўтирдик. Озодахоннинг онаси Холида опа коллежда инглиз тилидан дарс берар эканлар, турмуш ўртоқлари илмий тадқиқот институтида ходим.

- Қизимни адаси қутли келган деб жуда яхши кўрадилар.Ўзиз биласиз, иморат қуриш осон иш эмас. Шу қизим туғилганидан кейин пастдаги икки уй, манави айвон ва усти ёпиқ йўлакни қуриб олганмиз, сал чўзилиб кетганди. Қизимнинг шарофатида, ишларимиз юришиб кетган.

- Шеър айтишни биладими,- дейман бахтли қизалоқни гапга солиш мақсадида. Кўпда интизор қилмай Озода шеър айтишга тушди:

Мен лоламан, лоламан,
Озода қиз боламан.
Эрта билан тураман,
Юз-қўлимни юваман...

Шеърни охиригача тингларканман хаёлга толаман. Кўм-кўк баҳорда, гўзал табиат уйғонганда очилган лола мисол Ватани озодликка эришганда олам юзини кўрган ҳақиқий лолақизғалдоқ! Илоҳим Ватанимнинг бағри шундай лолақизғалдоқларга тўлсин! Сен Озода қизгина, шу гўзал диёрнинг муносиб фуқароси бўлиб етиш!

**Суннат АЗЛАРОВ,**
**"Туркистон" мухбири**



*"Тошкент—Меридиан" меҳмонхонаси даврумизнинг муҳташам биноларидан бири бўлиб қолди.*

## ТАРАДДУД ҚИЗҒИН

***Барча ватандошларимиз орзиқиб кутган байрам -- Истиқлол айёми тобора яқинлашиб келмоқда. Уни бошқа байрамлардан фарқли ўлароқ айрича кўтаринкилик ва шоду хуррамлик билан кутиб оламиз. Маълумки, асосий тантаналар пойтахтимиз Тошкентнинг Мустақиллик майдонида бўлиб ўтади. Тайёргарликлар кўламини билиш мақсадида мустақиллик байрамига тайёргарлик кўриш ва ўтказиш Республика штабига бордик. У ерда юмушлар ҳар қачонгидан ҳам қизғин паллага кирганининг гувоҳи бўлдик. Байрам дастурини театрлаштириш бўйича бош режиссёри, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби Носир ОТАБОЕВ биз билан суҳбатда шундай деди:***

### Ватанимизнинг бош майдонида

-- Кўнгилларга шукуҳ ҳам ифтихор бағишловчи Истиқлол айёмига бу йил ўзига хос тайёргарлик кўрмоқдамиз. Булар нималарда намоён бўлади? Республикамизнинг иқтисодий, ижтимоий, маданий-маърифий ҳаётида туб ўзгариш-ислоҳотлар, юксалишлар кўзга ташланмоқда. Саҳна безакларимиз ҳам шунга яраша кўркам ва мукаммал тарзда тайёрланмоқда. Маълумки, 1997 йил -- Инсон манфаатлари йили деб эълон қилинди. Байрам дастуридаги барча бадиий чиқишлар асосида ана шу ғоя, яъни Ҳазрати Инсонни улуғлаш ғояси мавжуд.

Тантаналар таниқли бастакор Анор Назаров мусиқа басталаган "Ватан" қўшиғи билан бошланади. Уни истеъдодли хонанда Исмоил Жалилов ижро этади. Унга ҳамоҳанг намойиш қилинадиган "Дўстлик" рақси эса турли миллат ва элатлар ўртасидаги аҳилликни ифодалайди. Томошаларда жами 7 минг киши иштирок этади. Уларнинг сафида машҳур санъаткор, хонанда ва рақкосалардан ташқари, олий ва ўрта махсус билим юртларининг талабалари, санъат илмгоҳларининг ўқувчилари ҳам бор. Байрам дастури асосан олти қисмдан иборат бўлади. Юқорида қайд этилган муқаддимадан сўнг Комилжон Отаниёзов ҳамда Маъмуржон Узоқов номидага яккахон хонандаларнинг республика кўрик-танлови голиблари ўз мусиқий дастурларини намойиш этадилар.

"Фарзандлар қутлови" -- болажонларимизнинг мусиқий чиқишлари эса шўх ҳазил-мутойибага бойлиги билан ажралиб туради. Кейинги қисмдан Бухоро ва Хеванинг 2500 йиллигига бағишланган театрлашган томошалар ўрин олган. Унда аждодларимизнинг озодлик учун кураши Жалолиддин Мангуберди тимсолида намоён бўлади. Мустақиллик посбонлари -- озод Ватаннинг қуролли кучларига қарашли бадиий жамоалар дастурида ватанпарварлик, истиқлолни мустаҳкамлаш ғоялари мужассамлашган. Сўнгра вилоятлардан келган бадиий дасталар миллий мусиқа санъатимизнинг ранг-баранглигини намойиш қилади. Ўзбекистон эстрада юлдузлари ва ёш ижрочилар иштирокидаги катта шоу дастурдаги ёркин мусиқий ижролар томошабинларга манзур бўлишига шубҳа йўқ.

**Суҳбатдош: НАЗОКАТ**

**17 август куни кечки соат 18.30 да Тошкентдаги Алишер Навоий номли санъат саройида илк марта Ўзбекистон, Россия, Белоруссия ҳамда Қозоғистон профессионал боксчилари ўртасида "Бокс-шоу" мусобақалари ўтказилади. Мазкур тадбир муносабати билан Олимпия шон-шуҳрати музейи биносида республика оммавий ахборот воситалари ходимлари билан анжуман ташкилотчилари, спортчи мутахассислар учрашуви бўлди.**

**Йиғинда республика ёшлари "Камолот" жамғармаси бошқаруви раиси Хотам Абдураимов саволларга жавоб бера туриб шундай деди:**

**- Катта спортнинг равнақи ва юксакликка чиқиши ҳар бир мамлакатнинг жаҳондаги ўрнини белгилашда муҳим аҳамият касб этади. Ҳар бир спорт турида бўлгани каби боксдаги машҳур кишилар фаолияти, ҳаёти ёшларимиз учун ўрнак бўлиб, соғлом турмуш тарзини юргизиш ва ҳаётда ўз ўринларини тўғри топиб кетишларида фақатгина ижобий ўрин эгаллайди. Бу эса "Камолот"нинг ўз олдига қўйган мақсад ва вазифаларига ҳамоҳангдир.**

## ҲАФТА МАҒЗИ

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси 1997 йилда пахта йиғим-терими мавсумини ташкилий равишда ўтказиш чора-тадбирлари тўғрисида қарор қабул қилди.

***

Республика Вазирлар Маҳкамасида давлат эҳтиёжлари учун асосий озиқ-овқат турларини харид қилиш тизимини такомиллаштириш тўғрисида қарор қабул қилинди.

***

Сурхондарё ва Андижон вилоятларида дастлабки пахта йиғим-терими бошланди.

***

Мамлакатимиз мустақиллигининг 6 йиллигига бағишланган «Ўзбекистон қўшиқ байрами» санъат ихлосмандларининг эътиборини тортди. Мазкур танлов—тадбирнинг якунловчи босқичи 14 августда "Туркистон" саройида бошланди. 17 августда эса катта қўшиқ байрами ўтказилади.

## ЭЪТИРОФ

**Ўзбекистоннинг истиқболи порлоқ. Республикангиз катта иқтисодий имкониятларга эга. Тобора кўпроқ хорижий сармоядорлар ўз эътиборларини мамлакатингизга қаратаётгани ҳам бежиз эмас.**

**Холид МАЛИК,**
**БМТнинг Ўзбекистондаги доимий вакили**

**Ўзбекистон Ислом Каримов етакчилигида келажак сари тўғри йўлдан дадил одимламоқда. Менда Президентингизнинг сиёсий зукколиги, иқтисодий масалаларда келажакни олдиндан кўра билиши, айниқса ўзбек халқининг куч-қудрати, меҳнатсеварлиги катта ишонч ва ҳурмат уйғотди. Ана шу омилларнинг натижаси бўлмиш "ЎзДЭУавто" қўшма корхонаси билан сизлар қатори мен ҳам чин юракдан фахрланаман.**

**Ким У ЖУН,**
**"ДЭУ" гуруҳи раиси**

**Дилором ОМОНУЛЛАЕВА**
**мусиқаси**
**Усмон АЗИМ шеъри**

*Фестиваль мадҳияси*

"ШАРҚ ТАРОНАСИ"

**Дунёнинг кўнглига сен бердинг ҳаёт,**
**Руҳингдан, Она Шарқ, яралди баёт.**
**Куйламоқ шавқида моҳир ўзингсан,**
**Ҳофиз ўзингдирсан, шоир ўзингсан.**

**Жўр бўлгин, инсонга мусиқа -- қанот,**
**Қўшиқдан кўнгиллар бўлғуси бунёд.**
**Қўшиқда ўртанган тилаксан, о Шарқ,**
**Жумлаи жаҳонга юраксан, о Шарқ!**

**НАҚОРАТ:**

**Салом Самарқанд, -- Шарқ дарвозаси,**
**Тарал жаҳонга -- Шарқ таронаси!**

**(инглизча)**

**Greeng, Samarkand, gateway of the East,**
**With the music spread through West and East.**

"ШАРҚ ТАРОНАСИ"

(Фестиваль мадҳияси)

*Дилором Омонуллаева мусиқаси,*
*Усмон Азим шеъри.*



